

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БҮЙИЧА БҮШ ПРОФЕССОР-ҮҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

### Кафедра мудирлари:

Тиббий профилактика факультетининг "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейроракарохлик" кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг "Факультет ва госпитал жаррохлик" кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг "Фтизиатрия" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли Урология кафедраси

Даволаш факультетига қарашли Кўз касалликлари кафедраси

### Доцентлар:

Тиббий профилактика факультетининг "Информатика, биофизика ва нормал физиология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология ХДТ ва лаборатория иши" кафедраси

Даволаш факультетининг "Факультет ва госпитал терапия тиббий профилактика факультетининг ички касалликлари ва касб касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли УАШ жаррохлик кафедраси

Даволаш факультетига қарашли УАШ акушерлик гинекология кафедраси

### Катта үқитувчилар:

Тиббий педагогика факультетининг "Факультет ва госпитал жаррохлик" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли Умумий ва болалар жаррохлиги кафедраси

Даволаш факультетининг "Факультет ва госпитал терапия тиббий профилактика факультетининг ички касалликлари ва касб касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли Асаб касалликлари кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичидаги Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-ой.

Даволаш факультетининг "УАШ тайёрлаш ва эндокринология" кафедраси

### Ассистентлар:

Тиббий профилактика факультетининг "Тиббий ва биологик кимё" кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг "Информатика, биофизика ва нормал физиология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг "Тери-таносил касалликлари" кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейроракарохлик" кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг "Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия" кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг "Умумий ва радиацион гигиенаси" кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг "Коммунал ва меҳнат гигиенаси" кафедраси

ОМХ факультетининг "Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш" кафедраси

ОМХ факультетининг "Ижтимоий фанлар" кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг "Патология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг "Факультет ва госпитал терапия" кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг "Факультет ва госпитал жаррохлик" кафедраси

Даволаш факультетининг "Гистология ва тиббиёт биологияси" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология ХДТ ва лаборатория иши" кафедраси

Даволаш факультетининг "Факультет ва госпитал жаррохлиги" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли Асаб касалликлари кафедраси

## БИЛИМЛАРНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мустақиллик йилларида давр янгиланди, жамият ўзгарди. Халқимиз ўз истиқболи, ўз баҳти-саодати йўлида дадил одимламоқда. Шу аснода жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ва маданий пойдеворини мустаҳкамлаш учун замин яратилди.

Эндилиқда ёшларимиз аждодларимиз томонидан бажарив келинган ва режалаштирилган ҳар қандай ишга муқаддас бурч ва юксак масъулият нуктам-назаридан қарашга ҳаракат килмоқдалар. Бу эса фуқароларимиз, ёшларимиз келгусидаги фаoliyati мезонини белгилайди. Жамият аъзоларини саодат манзилларига яқинлаштиради. Фақатгина маънавий барқамол инсонларига саодат манзилларини забт этади, порлоқ келажакни яратла олади. Шу нуқтам-назардан ёндашадиган бўлсак, шаклланни келётган ёш авлодни парваришлаб вояғи етказиши, уларни маънавий-ахлоқий дунёкарашларини кенгайтириш ҳамда замонавий таълим-тарбия масалаларига эътибор бериш бугунги ёш ва навқорон давлатимизнинг асосий долзарб вазифаларидан бири саналади.

2015 ўкув йили якуни арафасида ТТАнинг 8 нафар талабасидан иборат жамоа Тошкент давлат юридик университетида бўлиб

Доно МАҲАМЕДЖАНОВА,

Олий маълумотли ҳамшира факультети талабаси

MUASSIS:  
TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI

MUHARRIR  
TURDIQUL  
BOVOMURATOV

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinnbosari),  
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,  
L.Abduqodirova.

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobi  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yuxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir



# ТИВИЙОТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 8 2015 YIL AVGUST



## ҚУТЛАЙМИЗ!

Мустақиллик — халқимиз учун эркин, баҳтли ва фаровон ҳаёт кечириш имконини бергани, юртошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъодод ва қобилиятини тўла намоён этиши, хуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун бекиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақилликимизнинг йигирма тўрт йиллигини қизғин нишонламоқда. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқболимизнинг мустаҳкамлангани, демократик тамоӣиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида қадрланади.

Айтиш жоизки, соглом ва барқамол авлодни вояғи етказиши орзуси айнан мустақиллик билан боғлиқ, эззу интилишидир. Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган испоҳотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатdir.

Хурматли профессор-үқитувчилар, қадрли талаба-ёшлар! Сизларни барчамиз учун қадрли бўлган Истиқполимизнинг 24 йиллиги билан чин юракдан самимий муборакбод этамиз. Сизларга ҳамиша соғлиқ-омонлик, ўқиши ва ишларингизда улкан муваффақиятлар, оиласизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Ректорат


Ўзбекистон Республикаси ўз  
мустақиллигини қўлга кирит-  
гандан сўнг жамият ҳаётининг  
барча соҳаларида туб  
ислоҳотларни амалга ошириш  
учун кенг имкониятлар  
юзага келди.

Мустақиллик, озодлик деган улуғ неъмат аввало ҳалқимизга эркинлик, озод ва фаровон ҳаётни берган, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, динимизни қайтариб берган.


“Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урғодатларимизни асраб-авайлаш халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юрга мухабbat, истиқполга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи буғунги кунда тобора дозларб ҳамият касб этмоқда”, деб таъкидлаб ўтади Юртошларимиз Ислом Каримов.

Халқимиз бой тарихий маданий ва маънавий меросга эга, уларни мукаммал ўрганиш ва тарғиб қилиш миллий ўзлигини англаш, миллий ўзлигни англаш эса мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишига замин яратади.

(Давоми 3-бетда.)



Иичининг қалби эритаётган металидек  
қайнок.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли китоби “Ўзбекистон” нашриёти томонидан кўпминг нусхада чоп этилди.

Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда улкан сиёсий воеа – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Ҳар томонлама юқори савияда, муқобиллик асосида ўтган бу сайлов мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида мухим, ҳал қилувчи босқич бўлиб, халқимизнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончи нақадар мустаҳкам экани, унинг сиёсий-ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги, Ватанимиз тақдири учун даҳлдорлик хисси тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён этди.


Конституциямиз, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида ўтказилган ушбу сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба, ҳеч шубҳасиз, Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги бекиёс хизматлари, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг халқимиз томонидан юқсан эътироф этилгани ва яқдиллик билан қўллаб-кувватланганидан далолат беради.

Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги 20 дан зиёд учрашув ва анжуманларда, жумладан, Олий Мажлис Конуничилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан учрашувларда, иккala палатанинг қўшма мажлисида, Вазирлар Мажхамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуплари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишлиланган

мажлисида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йигилишида, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидағи нутқ ва маърузларида, шунингдек, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий аҳборот воситаларига берган интервьюсида билдирган энг мухим, концептуал аҳамиятга эга фоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белgilab берилган ана шу чиқишиларда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация килиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ижтимоий соҳалар – таълим-тарбия, илму фан, соғлини саклаш, маданият ва санъат, спорт тизимини изчил ривожлантириш, аёллар, кексалар ва ёшларимиз учун янада қулагай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳар бир худуд ва минтақани равнақ топтиришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликларнинг моҳияти, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташки сиёсий концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлами пухта асосланган ҳолда байён қилинган.

Мазкур тўпламнинг бош гоясини қўйидаги мажассам бўлган энг мухим ўзак фикр ташкил этади: “Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги мэрраларни эгаллашимиз керак?” деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан




бунга жавоб беришимиз лозим”.

Ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётий саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоблар берилгани нашрнинг қимматини янада оширади.


Ушбу китобни мутолаа қиласи эканмиз, ҳар бир масалага халқимизнинг миллий манфаати ва яна бир бор миллий манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш, теран қиёсий-таҳлилий мушоҳада, тарих, замон ва келаҷакни бир бутун диалектик ҳодиса сифатида кўриш, ҳар қандай мавзууда жўшқин баҳс ва мулоқотга тайёрлик – бўларнинг барчasi мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, дунё миқёсида тан олининг йирик давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовнинг сиёсий услубига хос бўлган ёрқин ҳусусиятлар эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда бекиёс аҳамият касб этадиган мазкур китоб ҳозирги ва эртанги кунимизнинг энг устувор йўналишларини ўзида мажассам этиб, янги ва яқин тарихимизнинг хали биз тўла англаб етмаган кўплаб кирраларини қашф этишда, жамиятимизнинг тараққиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва халқимиз келажаги, унинг равнақини белgilab беришda, айниқса, ёшларимизни Ватанга мұхаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда мухим дастурламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

(ЎЗА)



Ҳалоликнинг қадди – ҳақиқат қаршисида доимо тик.



Ҳикмат

## КОМИЛ ИНСОН – ЮРТ ТАЯНЧИ, МИЛЛАТ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган бир даврда жамиятда маънавий-маърифий қадриятлар асосида баркамол авлодни вояга етказиш бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммо ва вазифаларидан саналади.

Юрбошимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш жараёни бугунги кунда ўз ижобий натижаларини бермоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим тизимини олиб бориш, жаҳон андозаларига мос юқсан инновацион технологиялардан кент ва унумли фойдаланиш яхши йўлга кўйилган. Ахборот коммуникация технологияларининг жорий қилиниши таълим тизимини тубдан ўзгаришиб, унинг сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Ундан ташқари, ўқув лабораториялари базасини янгилаш ва такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Бундай мавжуд тизим талабаларнинг ижтимоий ҳаётида маънавий-маърифий асосларини шакллантириш, юқсан маънавият – енгилмас куч эканлигини, айниқса, вояга етиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини маънавий ахлоқий тизимлар асосида олиб бориш давлат сиёсатининг асосини ташкил қилибина қолмай, балки жамият, миллат ўзлигини сақлаб қолиш ва тараққиёт этишига хизмат қилади. Демак, ёшларга қаратилган эътибор Ватан тақдирига қаратилган эътибордир. Буни ҳеч биримиз унумаслигимиз лозим.

**Алишер РАЗЗОҚОВ,**  
Тошкент Тиббиёт академияси катта ўқитувчиси  
**Мухлиса АБДУҲАМИДОВА,**  
Тошкент Тиббиёт академияси талабаси



### ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Сен азиз ва ягонасан, муқаддас Ватан Тўтиёсан кўзларимга, энг улуғ маскан. Водийларинг, боф-роғларинг тилларда достон Гулла, яшина, она юртим, жон Ўзбекистон, Сен азиз ва ягонасан, муқаддас Ватан! Эй она юрт, қутлуг ёшинг

муборак бўлсин Бободеҳқон хирмонлари ғаллага тўлсин. Ўғил-қизлар, барча миллат иқболи кулсин Обод, озод бу Ватаним бахтга ёр бўлсин.

Сен азиз ва ягонасан, муқаддас Ватан! Бу оламда давлатлар кўп гўшаси бўстон Ҳашаматли бинолари тилларда достон. Лекин ўзинг ягонамсан, сўлмас гулистан Дурлар ичра дурдонамсан, энг ажаб бўстон.

Сен азиз ва ягонасан, муқаддас Ватан! Бу Ватанинни улуғлашлик менга ифтихор Жоним фидо, керак бўлса, ўзингга минг бор. Улан тўшак, киндик қоним тўқилган диёр То тирикман сени дерман,

тақрор ва тақрор. Сен азиз ва ягонасан, муқаддас Ватан! Шу Ватанга керак бўлсин доим керагим Юрт ишиқида лов-лов ёнар, тинмас юрагим. Фаровонлик, ҳамжиҳатлик менинг тилагим

Шараф-шоним, мўътабар юрт, ўзинг керагим. Сен азиз ва ягонасан, муқаддас Ватан! Сен азиз ва ягонасан, муқаддас Ватан Тўтиёсан кўзларимга, энг улуғ маскан. Водийларинг, боф-роғларинг жаннатий макон

Гулла, яшина, она юртим, жон Ўзбекистон. Сен азиз ва ягонасан, муқаддас ватан! Илёс ЮНУСОВ, доцент



Касбнинг олими бўл, золими бўлма!



Ҳикмат



## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ

### Истиқлол мевалари

**ТТАга энг юқори балл билан қабул  
қилинган талабалар**

**Ашурев Абдуҳамид  
Холиқжон ўғли, 236,8  
балл билан Даволаш  
факультетига — қабул  
қилинган:**

— Мен қалбимдаги дил сүзларини қандай търифлашга ожизман. Давлатимиз бор эътиборини биз ёшларга қаратмоқда. Илм олишимиз, хунар ўрганишими, ўз устимизда мунтазам равишда ишлаш ва изланишимиз учун ҳар томонлама шароитлар бисёр. Биздан фақаттана ўқиш талаб қилинмоқда. Бу жаннатмакон юртнинг қадрига етмоқ, унинг тупроғини кўзимизга суртмоқ, содда, самимий меҳнаткаш халқни ардоқламоқ ҳар бир ёшнинг мукаддас бурчидир...

**Тоиров Нодирбек  
Тохир ўғли, 212,7 балл  
билан Тиббий педагогика  
факультетига, қабул  
қилинган:**


— Бундай натижка, бундай билим, ҳаммаси истиқлол шарофати деб

лаган, акли расо, маънавиятли, тараққиётнинг янги қирраларини очишга қодир авлодгина қуради ва бошқаради. Ҳукуматимизнинг буни олдиндан кўра олиши ва амалий ҳаракатлари буғун ёшларимизнинг дунё талабларига жавоб берса оладиган даражада билим олишига имкон яратди.


**Иномжонова Зилола  
Элмурод қизи, 196,8 балл  
билан ОМҲ факультетига  
қабул қилинган:**

— Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз буғун яна дунё узра ўз сўзини айтмоқда. Биз каби ёшлар эса бир

**Бундан ташқари, ТТАга имтиёзли  
қабул қилинган талабалардан Республика  
“Ҳамшира” кўрик-танлови ғолиби Акбарова  
Шоҳсанам Абдулазиз қизи, Ҳалқаро Менделеев  
олимпиадаси ғолиби Абдугаббаров Бобурбек  
Ўқтамжон ўғли, шунингдек Фан олимпиадалари  
ғолиблари Икромова Лазокат Илҳом қизи,  
Зафаров Раҳмонжон Зокиржон ўғли ва Шамуратов  
Зокир Шокир ўғли ТТА талабалари  
сафиға қабул қилинди.**



Ҳалоллик — хижсолатни танимайди.



Ҳикмат

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда.) Мамлакатимиз ҳаётida бутунлай янги бир тарихий давр бошланди.

Бу давр истиқлол, миллпой гоя ва мағкура орқали шаклланиб келаётган соғлом, ҳар томонлама ҳаётий ва инсон манфаатларига хизмат қиласидаги ғоялар даври сифатида дунёга келди. Миллпой истиқлол гояси кишиларимизнинг маънавий камолоти, ҳалқимизнинг минг йиллик маданият ва қадриятига таянади, озодлик, эркинлик, мустақиллик билан боғлиқ туйгуларини ўзида намоён этади. “Ўзбекистон жамиятининг миллпой истиқлол мағкураси, ўз моҳиятига кўра ҳалқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган,

унинг ўтмишини ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган асрор орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиласидиган гоялари тизимиdir” — деган хулосага келишимиз мумкин.

Миллпой истиқлол гояси ёшларда, тарихий онгни шакллантириш, тарихий хотирани ўйготиш, мозайга қараб иш кўриши ва ўзликни англаш маёғи сифатида, миллатимизнинг орзу-нယатлари ифодаси ва жамият аъзоларини бир ёқадан бош чиқарб ҳаракат қилишга ундейдиган асосий куч вазифасини ўтайди.

**Д.Т.НОРҚУЛОВ,**

Тошкент Тиббиёт академияси ижтимоий фанлар кафедраси мудири, профессор



## ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ШУКУХИ

Бугун мамлакатимиз, бутун ҳалқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилип кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууrimизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма тўрт йиллигини баланд руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни кўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуғ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлигимизни чукур англаб, бекиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадрияларимизни, дину диёнатимизни тикилаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Мустақиллик — бу хеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллпой манфаатларимизни, узоқ ва давомида мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини, ҳалқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир. Шу билан бирга, эртаниг кунимизни янада ўксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, хеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётта кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш демақдир. Истиқлолимизнинг ҳар бир иили озод Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлиги, ёрқин ва

фаровон ҳаётимиз, фурур ва ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда. Дарҳақиқат, агар ракамларга назар солсак, бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялли ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиширмадарнада 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охирги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган ракамлардир.

Биз эриштан ютуқ ва мэрраларнинг асосий омили ҳақида гапириганда, хеч иккиланмасдан айтиш мумкин — биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атроғга муносабатимиз билан кечаги — 90-йиллардаги одамлар эмасмиз.


Биз бугун ёрқин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиаси тобора ўсиб бораётган,

**Л.Қ.АБДУҚОДИРОВА,  
ТТА ХҚҚ раиси**

Ҳикмат

Ҳикмат

Жамиятни ҳунарлар безайди.



Ҳикмат

